

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАБИАТИ: САБАБЛАР, ШАРТ- ШАРОИТЛАР ВА РАҚАМЛИ МУҲИТ ОМИЛЛАРИ

Саттаров Жаъсурбек Авазбекович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Академияси мустақил изланувчиси

E-mail: jasur_sattarov@proacademy.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21988598>

Аннотация: Мақолада ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликнинг криминалогик тавсифи, уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар жиноят ҳуқуқи, криминалогия, виктимология ва суд-тергов амалиёти нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Рақамли иқтисодиёт, онлайн кредитлаш, мобиль банк иловалари, виртуал карталар, пластик карта операциялари, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар фирибгарликнинг янги механизмларини шакллантираётгани асосланади. Суд ҳукмлари таҳлили асосида ахборот технологиялари айрим ҳолларда фақат алоқа воситаси эмас, балки жиноятни содир этишнинг бевосита механизмига айланаётгани кўрсатилади. Мақолада “сохта ваколат”, “расмийлик иллюзияси”, жабрланувчининг рақамли ва молиявий саводхонлиги пастлиги, онлайн кредитлашда антифрод назоратининг етарли эмаслиги каби омиллар алоҳида таҳлил қилинади. Якунда ушбу жиноятларга қарши курашишда жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари билан бирга рақамли саводхонлик, банк-молия хавфсизлиги, тезкор блоклаш, транзакция мониторинги ва суд амалиётини бирхиллаштириш зарурлиги ҳақида таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: фирибгарлик, ахборот технологиялари, онлайн кредит, виртуал карта, мобиль илова, пластик карта, рақамли далил, ижтимоий муҳандислик, виктимология, антифрод, шахсий маълумотлар, рақамли хавфсизлик.

Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши мулкый муносабатлар табиатини тубдан ўзгартирди. Агар анъанавий фирибгарликда жабрланувчи билан бевосита мулоқот, шахсий танишув, оғзаки ваъда ёки қоғоз ҳужжатлар муҳим ўрин тутган бўлса, ҳозирги босқичда фирибгарлик телефон қўнғироғи, мессенжер, мобиль илова, онлайн кредит, виртуал карта, SMS-хабар, пластик карта рақами ва шахсий маълумотлар орқали амалга оширилмоқда[1].

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликни тушунтиришда бир нечта криминалогик назариялар муҳим аҳамият касб этади. Л.Коэн ва М.Фелсоннинг “одатий фаолият назарияси”га кўра, жиноят содир бўлиши учун уч шарт эҳтимолий ҳуқуқбузар, мос нишон ва самарали назоратнинг йўқлиги бир вақтда мавжуд бўлиши лозим[2]. Рақамли муҳитда “мос нишон” сифатида шахсий маълумотларини осон тақдим этадиган, онлайн банк хизматларидан фаол фойдаланадиган, аммо хавфсизлик қоидаларини етарли билмайдиган фуқаро намоён бўлади.

Биз тадқиқ этаётган киберфирибгарликни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилишда ижтимоий-иқтисодий сабабларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Негаки, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликнинг биринчи

сабаблар гуруҳи ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқ. Ишсизлик, норасмий даромад излаш, тез бойиш истаги, қарздорлик, оилавий моддий қийинчилик ва молиявий босим жиноятчи шахсида ғаразли мотивацияни кучайтиради.

Таҳлил қилинган суд ҳукмларида айбдорлар кўпинча пулни ўз эҳтиёжлари учун ишлатгани, оилавий шароити оғирлиги ёки моддий қийинчиликларини кўрсатгани учрайди. Бироқ криминологик нуқтаи назардан бу ҳолат жиноятни оқламайди; аксинча, иқтисодий босим рақамли имконият билан қўшилганда фирибгарлик хавфи ортади.

Жабрланувчи томонида ҳам ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж муҳим роль ўйнайди. Субсидия, кредит, хорижга ишлашга кетиш, расмий ҳужжат олиш ёки молиявий муаммони тез ҳал қилиш истаги жабрланувчини фирибгарлик схемасига тортади. Шу сабабли рақамли фирибгарликнинг сабабларини фақат жиноятчи шахси билан чеклаш тўғри эмас; жабрланувчининг иқтисодий эҳтиёжи ҳам криминоген вазиятнинг муҳим қисми ҳисобланади.

Иккинчи сабаблар гуруҳи технологик омиллардир. Электрон тўлов тизимлари, мобиль банк иловалари, онлайн кредитлаш, виртуал карталар ва картадан картага тезкор ўтказмалар қонуний иқтисодий муносабатларни осонлаштиради. Аммо айнан шу қулайлик жиноятчи учун ҳам имконият яратади[3].

Рақамли фирибгарликни келтириб чиқарувчи яна бир сабаб ҳуқуқий ва институционал назоратнинг рақамли муҳитга тўлиқ мослашиб улгурмаганини алоҳида қайд этиш лозим. Бунда гап фақат жиноят қонуни нормаси ҳақида эмас, балки банк назорати, тўлов ташкилотлари, телекоммуникация операторлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва профилактика субъектлари ўртасидаги ахборот алмашинуви ҳақида бормоқда.

А.К.Расулев, Р.Н.Рўзиев, Н.С.Салаев, Г.Ф.Мусаев ва О.А.Старостенко каби муаллифлар кибержиноятчилик, электрон далиллар, халқаро ҳамкорлик ва киберфирибгарлик профилактикаси масалаларини алоҳида тадқиқ қилган[4]. Уларнинг ёндашувларидан келиб чиқиб, рақамли фирибгарликка қарши курашда терговдан кейинги реакция эмас, балки олдиндан хавфни аниқлаш, электрон изларни сақлаш ва тезкор блоклаш тизими муҳим ҳисобланади.

Сабаб ва шарт-шароит тушунчаларини фарқлаш лозим. Сабаб жиноятга ички туртки берувчи омил бўлса, шарт-шароит ушбу турткининг амалга ошишига қулай муҳит яратади[5]. Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликда шарт-шароитлар бир нечта кўринишларда намоён бўлади.

Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликка қарши курашишда профилактиканинг марказий ғояси жиноят содир этилгандан кейин жазолаш эмас, балки жиноят имкониятини олдиндан чеклашдир.

Биринчи йўналиш онлайн кредитлаш хавфсизлигини кучайтириш. Кредит расмийлаштиришда биометрик тасдиқ, жонли фото ёки видеоидентификация, миждознинг фаол розилиги ва шубҳали операцияларда қўшимча текширув жорий этилиши лозим.

Иккинчи йўналиш виртуал карта ва кредит маблағи ҳаракатини мониторинг қилиш. Агар кредит маблағи виртуал картага тушганидан кейин қисқа вақт ичида

бошқа шахс картасига ўтказилса, операция вақтинча блокляниши ва мижозга хавф ҳақида аниқ огоҳлантириш юборилиши керак.

Учинчи йўналиш шахсий маълумотлар хавфсизлиги бўйича оммавий профилактика. Фуқароларга паспорт маълумоти, SMS-код, OTP-код, карта рақами, банк иловасига кириш маълумотлари ва телефонда келган тасдиқ кодларини ҳеч кимга бермаслик бўйича амалий кўникмалар берилиши шарт.

Тўртинчи йўналиш сохта ваколатни текшириш каналларини яратиш. Банк ходими, субсидия ташкилоти, давлат ёрдами ёки кредит бўйича мурожаат қилган шахснинг ҳақиқийлигини фуқаро тезда текшириши мумкин бўлган ягона ишончли каналлар зарур.

Бешинчи йўналиш банклар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тезкор ахборот алмашинуви. Фирибгарлик ҳақида хабар берилганидан кейин карта операциясини тўхтатиш, банкомат видеосини сақлаб қолиш, телефон рақами ва карта эгасини аниқлаш, маблағ ҳаракатини кузатиш кечиктирилмаслиги лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик рақамли жамиятда мулкка қарши жиноятларнинг энг мослашувчан ва хавfli шаклларида бирига айланмоқда. Унинг криминологик хусусияти шундаки, у анъанавий алдовни рақамли инфратузилма билан бирлаштиради: жабрланувчи телефон ёки мессенжер орқали ишонтирилади, шахсий маълумотлари олинади, мобиль илова орқали кредит расмийлаштирилади, виртуал картага маблағ туширилади ва пластик карта орқали тасарруф қилинади.

Кўриб чиқилган олимлар қарашлари ушбу жиноятни тушунтириш учун комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатади. Л.Коэн ва М.Фелсон жиноят имкониятини, Д.Кресси ва С.Албрехт ички мотивацияни, Д.Корниш ва Р.Кларк рационал ҳисоб-китобни, Д.С.Уолл, М.Яр, К.Ф.Стайнметц, Т.Ж.Холт ва А.М.Босслер рақамли муҳитнинг трансформацион таъсирини, миллий олимлар эса мулккий жиноятлар, фирибгарлик ва кибержиноятчиликнинг миллий-ҳуқуқий ҳамда криминологик хусусиятларини очиб беради.

Суд ҳукмлари таҳлили онлайн кредит, виртуал карта, сохта субсидия, сохта расмий мақом, шошилинчилик ва жабрланувчининг рақамли саводхонлиги пастлиги мазкур жиноятларнинг асосий эмпирик белгилари эканини тасдиқлайди. Шу сабабли ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликка қарши курашишда асосий эътибор жазони кучайтиришга эмас, балки жиноят имкониятини камайитишга қаратилиши керак.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — URL: <https://lex.uz/acts/111453>; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2023 йил 23 июндаги 17-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. — URL: <https://lex.uz/docs/6523582>
2. Cohen L.E., Felson M. Social Change and Crime Rate Trends: A Routine Activity Approach // American Sociological Review. — 1979. — Vol. 44, No. 4. — P. 588–608. — URL:

<https://faculty.washington.edu/matsueda/courses/587/readings/Cohen%20and%20Felson%201979%20Routine%20Activities.pdf>

3. Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ташкент, 2006. — Мақолада фойдаланилган қисми: Б. 1–24.; Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. — Тошкент: ТДЮУ, 2018. –Б.45.
4. Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ташкент, 2006. — Мақолада фойдаланилган қисми: Б. 1–24.; Рўзиев Р.Н., Салаев Н.С. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. — Тошкент: ТДЮУ, 2018. –Б.45.; Мусаев Г.Ф. Киберпреступность и проблемы расследования киберпреступлений // Взаимная правовая помощь в получении электронных доказательств и расследовании трансграничных киберпреступлений: материалы научно-практического мероприятия. — Ташкент, 2020. –Б.141.; Старостенко О.А. Закономерности становления и развития кибермошенничества в России и за рубежом // Вестник Уральского юридического института МВД России. — 2011. — № 1. –С.24.
5. Алтиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. — Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2020. — Б. 95–146.; Levi M. The Phantom Capitalists: The Organisation and Control of Long-Firm Fraud. — Aldershot: Ashgate, 2008. — LXXXIV. P. 1–35, 285–330. — URL: https://books.google.com/books/about/The_Phantom_Capitalists.html?id=hx_B0QEACAAJ